



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 30 (12.341)

Баҳоси эркин нарҳда

Мамлакатимизнинг Берлиндаги дипломатия ваколатхонасида Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти яқунлари ва «Обод турмуш йили», дея эълон қилинган 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг устувор йўналишларига бағишланган тadbирлар бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ГЕРМАНИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР НИГОҲИДА

Уларда мамлакатимизда ўтган йили эришилган макроиқтисодий кўрсаткичлар, иқтисодиёт тармоқлари ўсишига хизмат қилган омилилар, хорижий сармояларнинг ҳажми ва 2013 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди. Шунингдек, Ўзбекистонда чет эллик сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар, жумладан, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди ва «Ангрен» махсус индустриал зонасидаги имкониятлар ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди.

Таъкидланганидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ҳали-ҳамон давом этаётган салбий оқибатларига қарамай, иқтисодиётни диверсификациялаш, янги тармоқларни шакллантириш ва ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техникавий ва технология жihatдан янгилаш, иш ўринларини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли республикамизда барқарор ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Йирик халқаро молия ташкилотлари ва нуфузли тадқиқот марказлари томонидан Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий муваффақиятларига берилаётган баҳолар эса ушбу сиёсатнинг самардорлигидан далолат беради. Шунингдек, тadbирлар қатнашчилари «Обод турмуш йили» доирасида белгиланган олинган мақсад ва вазифаларнинг моҳияти билан ҳам танишдилар.

Берлин-Бранденбург Иқтисодий консуллар бирлашмасининг президенти Инго Беец ўз нутқида Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти кўрсаткичларини ижобий баҳолаб, саноатнинг турли соҳаларида янги корхоналарни бунёд этиш ва мавжудларини модернизациялаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

И.Беец Ўзбекистонга уюштирилган сафарлари чоғида мамлакатимизда германлик шериклар билан ҳамкорликда ҳаётга тadbик этилаётган лойиҳалар, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган кен қўламли ўзгаришлар билан яқиндан танишиш, ўзбек халқи бой маданий-тарихий меросга эга эканлигига ҳамда ўзбекона меҳмондўстликка кўп маротаба гувоҳ бўлганини айтди.

Унинг сўзларига қараганда, Германия ишбилармон доиралари вакиллари Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдордирлар, шу сабабли икки мамлакат тadbиркорлари ўртасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш Иқтисодий консуллар бирлашмаси фаолиятининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Инго Беец мамлакатимиз раёсатининг томонидан ижтимоий соҳада, жумладан, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялаш, оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш юзасидан олиб борилаётган улкан ишлар алоҳида таҳсинга сазовор эканлигини қайд этди.

– Мустақиллик йилларида амалга оширилган чора-тadbирлар натижасида Ўзбекистонда ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга ўзгариб, оналар ва болалар ўлими миқдори эса тегишли равишда икки ва уч бараварга кискарди, – деди у. – Шу маънода, 2013 йилнинг «Обод турмуш йили», деб эълон қилиниши бу йўналишдаги ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Бранденбург Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш институтининг раҳбари Эдгар Клозе ўзбекистонлик ҳамкасблари билан биргаликда амалиётга жорий этилаётган қўшма лойиҳалар ҳақидаги маълумотлар билан ўртоқлашди. Унинг фикри билдиришича, улкан меҳнат ва илм-фан салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистонда бугунги кунда таълим, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш сингари жабжаларда самарали ислохотлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, Э.Клозе жадал ривожланиб бораётган Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш Германия ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлардан бири эканлигини ҳам таъкидлаб ўтди.

Депутат, Берлин парламенти раёсатининг аъзоси Роббин Юнке Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасига тўхталар экан, унда келтирилган маълумотлар Ўзбекистоннинг барқарор ва изчил тараққиётдан шохидлик беришини эътироф этди.

Берлин парламенти раёсати делегациясининг икки мамлакат пойтахтлари ўртасидаги шериклик муносабатларини ривожлантириш мақсадида ўтган йили Ўзбекистонга уюштирилган сафари тафсилотларини ўртоқлашар экан, Р.Юнке бу каби таширлар ва қўшма тadbирларнинг ўтказилиши давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларнинг янада кенгайтиришига хизмат қилишини қайд этди.

Берлин-Бранденбург Иқтисодий консуллар бирлашмаси бошқарувининг аъзоси Бернхард Хайнрихнинг сўзларига қараганда, бўлиб ўтган учрашувлар уларнинг қатнашчиларига Ўзбекистоннинг замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва Германия билан икки томонлама алоқалари тўғрисидаги батафсил маълумотларга эга бўлиш имконини берди.

– Иқтисодий ислохотлар билан бир қаторда Ўзбекистон ҳукумати фуқароларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда, – деди В.Хайнрих. – 2013 йилнинг «Обод турмуш йили», дея эълон қилиниши ўзбек халқининг фаровонлигини юксалтириш йўлидаги муҳим босқич бўлди. Шундай экан, биз учун дўст мамлакатлардан бири бўлиши Ўзбекистонга янгидан-янги зафарлар тилаймиз.

«Жаҳон» АА
Берлин



Болалар спорти

БАДИЙ ГИМНАСТИКА – САЛОМАТЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК АСОСИ

Фарзандининг jisмонан ва маънан соғлом бўлиб вояга етиши, уларнинг бахту саодатини, фаровон келажагини кўриш ҳар бир ота-онанинг орзуси.

Тошкентлик Гулнора Йўлдошева ҳам ана шундай ниятда олти ёшли қизи Зулфияни 168-умумтаълим мактабида очилган бадий гимнастика тўғрисида оқибатдаги натижаларни таъкидлади. Аввалига Зулфияга энгил туюлган машқлар босқичма-босқич мураккаблашиб, кейинчалик машғулотлар маъсулятли мусобақаларга уланиб кетди.

Зулфиянинг иродаси тобланиб, кунт билан машқ қилишга одатланди, мусобақаларда қатнашиш орқали қатъиятлик, мақсад сари дадил интилиш каби хусусиятлари шаклланди. Унда камол толган бу фазилатлар ҳаётдаги дастлабки катта синов – давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2011 йилда очилган Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар республика ихтисослашган олимпия захиралари спорт мактабига кириш имтиҳонларида ўз самарасини берди. Зулфия Йўлдошева энг иқтидорли 12 нафар бадий гимнастика сифатида мактабнинг илк ўқувчилари сафига қабул қилинди.

Ушбу мактабда мамлакатимизнинг етакчи мураббий ва мутахассисларидан гимнастика сир-асрорларини пухта ўрганаётган Зулфия эндигина 13 ёшни қаршилаган бўлишига қара-

май, катта натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Бир неча маротаба мамлакат чемпионатларида голиб ва совриндор бўлган иқтидорли қиз халқаро миқёсда ҳам тажрибасини ошириб бораётир. Ўтган вақт мобайнида Болгариядаги халқаро турнирда олтин, Исроил ва Эстониядаги нуфузли халқаро мусобақаларда кумуш медалларни қўлга киритди.

– Мен аввалига гимнастика, вақти келиб, асосий машғулотимга айланишини ўйламаган эдим, – дейди Зулфия. – Борган сари бу спорт турига қизиқишим ортди. Профессional спортчи бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Келажақда Жамила Раҳматова ҳамда Уляна Трофимова каби халқаро майдонларда юртимиз байроғини баланд кўтарсам, дейман.

Спорт – ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитишнинг, унинг ўз салоҳиятини намойён этиши, гурур ва ифтихорини юксалтиришининг энг самарали ва таъсирчан воситаларидан бири бўлиши билан бирга навқирон авлодни jisмонан соғлом, маънан етук, интеллектуал салоҳиятли этиб тарбиялашнинг муҳим омили ҳамдир.

(Давоми 4-бетда)

Мамлакатимизнинг туристик компания ва фирмалари Латвиянинг Рига шаҳрида шу йил 8-10 февраль кунлари бўлиб ўтган «Balttour – 2013» йигирманчи халқаро сайёҳлик ярмаркасида иштирок этди.

Туризм

ЎЗБЕКИСТОН «BALTTOUR – 2013» ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИДА

Ўзининг хушманзара табияти, ноёб ва бетакрор тарихий обидалари ҳамда бой урф-одатлар ва қадриятлари билан дунёга машҳур Ўзбекистон мазкур ярмаркада иккинчи марта иштирок этди. Жорий йилда «Balttour – 2013»-да Латвия, Ўзбекистон, Германия, Чехия, Испания, Греция, Украина, Россия, Хорватия, Тунис, Вьетнам, Тайвань, Туркия, Италия, Словакия, Ҳиндистон, Озарбойжон каби 34 мамлакатдан қарийб етти юз сайёҳлик фирма ва компанияси вакиллари иштирок этди.

«Ўзбектуризм» Миллий компаниясидан маълум қилишларича, «Кипсала» халқаро кўргазма марказида ўтказилган сайёҳлик ярмаркасида мамлакатимизнинг «Ўзбектуризм», «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбекистон темир йўллари» компаниялари,

«Dolores Travel», «Asia Advantages» каби сайёҳлик фирма ва компаниялари иштирок этган. Ярмарка иштирокчилари Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти ва мамлакатимизда бу соҳада тақлим этилаётган хизматлар, мафтункор табиат ва тарихий обидаларимиз акс этган экспонатлар, халқ хунармандлиги буюмлари, фотоэкспозициялар, эко-туризм, меҳмонхона хизматлари, сайёҳлик ташкилотлари, сайёҳлик операторлари ва агентлари фаолиятига оид

қўллаб маълумот ва адабиётлар билан танишган.

Халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида мамлакатимизга сайёҳларни янада кенгрок жалб қилиш борасида дунёнинг турли давлатларидан келган мутахассислар билан фикр алмашилди ва ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. Бир қатор сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликка оид битимлар имзоланди.

Мадина УМАРОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Гулистон шаҳрида «Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичидан сенаторлар ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатларининг ҳудудий муаммоларни ҳал қилишдаги роли» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, вилоят ташқи лотлари раҳбарлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллар иштирок этди.

• Жиззах вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йигин пунктида ҳарбий хизматга қақирилган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Йигитларга ота-оналар, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар кўмитаси вакиллари оқ йўл тиладилар.

• Қизилтепа туманидаги «Хўжа Ҳасан» қишлоқ фуқаролар йиғинида йирик газ тақсимлаш станцияси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Натижада 19 та қишлоқдаги тўрт минг уч юз хонадон ҳамда 132 та маиший хизмат кўрсатиш нуқтасида табиий газ таъминоти яхшиланди.

• Юқори Чирчик тумани мудофаа ишлари бўлими ҳарбий хизматга қақирилувчи йигитларни кўркам ва замонавий йиғин пунктида қабул қила бошлади. Мазкур иншоот мукамал таъмирдан чиқарилгач, қақирилувчиларнинг дам олишлари, тиббий кўриқдан ўтишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди.

• Жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК томонидан янги «Тошкент – Нукус – Волгоград» йўналиши бўйича қатнов йўлга қўйилди. Йўловчи поезди ҳафтасига бир маротаба – сешанба кунлари йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда.

ЖАҲОНДА

• Мамлакат бош божхона бошқармасининг маълумотларига кўра, жорий йилнинг январь ойида Хитойнинг экспорт кўрсаткичлари 25,4 фоизга ортиб, 29,15 миллиард АҚШ долларига етди. Хусусан, 2013 йилнинг дастлабки ойида Хитойнинг умумий ташқи товар айланмаси 345,59 миллиард АҚШ долларини ташкил этган.

• АҚШнинг музқаймоқлар ишлаб чиқарувчи компанияси «Jeni's Splendid ice Creams» номли янги музқаймоқ ишлаб чиқара бошлади. Ушбу маҳсулотнинг бошқаларидан фарқи шундаки, у асал, пектин, занжабил, апельсинли ва лимонли шарбатлар аралашмасидан тайёрланган ва таркибида кучли гармдор ҳам мавжуд. Янги музқаймоқнинг грип билан оғриган ва қаттиқ шамоллаган беморлар учун жуда фойдали эканлиги таъкидланмоқда.

• Кўк чой ва қизил вино таркибидagi табиий экстрактлар Альцгеймер (мия фаолиятининг пасайиши) хасталиги ривожланишининг олдини оларкан. Буюк Британиянинг Лидс университет олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотдан сўнг шундай хулосага келинди. Мутахассислар бу янгилик Альцгеймер хасталигига қарши янги дорилар яратишда қўл келишини таъкидлашмоқда.

• Колумбия жанубида 7 балли ер қимирлаши юз берди. Ҳозирча саккиз кишининг жароҳатлангани, 150 га яқин бинога зарар етгани айтилмоқда. Зилзила таъсири Колумбия пойтахти Боготадан Эквадорнинг Кито шаҳригача бўлган ҳудудларда ҳам сезилган.

ҚИСҚА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БЕКТЕМИР** туманидаги «Ёшлар боғи»да «Озод юртда обод

яшайлик!» лойиҳаси остида ёшлар ҳашари ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида Алишер Навоий ва Захириддин

Мухаммад Бобур таваллуд кунларига бағишланган «Назм ва наво» кечаси бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Машинасозлар» маҳалла гузариди

«Тенгдош» маданият уйи билан ҳамкорликда ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Гийҳандлик ёмон иллат» мавзусига бағишланди.

СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳайъати қарорига мувофиқ, ИИБ академиясининг шахримиздаги ўқув дала полигонидда бир ойлик ўқув йиғинида ўз малакаларини ошириб қайтган профилактика инспекторларига тантанали равишда сертификатлар топширилди.

Машгулотлар давомида ўзининг билимга чанқоқлиги, берилган топшириқларни ўз вақтида сифатли бажариб, яқиний назоратларни аъло баҳоларга топширган профилактика инспекторларига Ички ишлар вазирлигининг фахрий ёрликларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал – лейтенант Баҳодир Матлюбов тантанали равишда топширди ва уларни қутлади.

– Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг ҳафсизлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда маҳалла фаоллари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган милиция таянч пункти профилактика инспекторларининг алоҳида ўрни бор, – дейди Сирдарё вилояти, Бобўв тумани, Амир Темур номидаги милиция таянч пункти про-

филактика инспектори лейтенант Шерқўзи Тошпўлатов. – МТП профилактика инспекторлари аҳоли билан кўп мулоқотда бўлганлиги сабабли, уларнинг билим ва малакаларини ошириш мақсадида давлатимиз томонидан бундай ўқув йиғинлари билан бирга фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз билим, малака ҳамда амалий кўникмаларимизни бойитдик. Шу билан бирга жисмоний ва жанговар қобилиятимизни оширишга алоҳида эътибор қаратдик. Яна бир нарсани таъкидламоқчиманки, ўқув йиғинида, мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган профилактика инспекторлари ҳамкорлигимизни кучайтириш йўлларини муҳокама қилдик, ўзаро фикр алмашдик. **Жавоҳир ТОШХҲАЕВ**



Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида «Келажак овози» ахборот хонаси ташкил этилди.

Ахборот технологиялари ТАЛАБАЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ёшларда ахборотлардан тўғри фойдаланиш кўникмасини ошириш, интернет тармоғида ўзбек сегментини янада ривожлантириш мақсадида мамлакатимизнинг барча олий таълим даргоҳларида «Келажак овози» ахборот хоналари ташкил этилмоқда. Бу ерда интернет манбааларидан беуъл фойдаланиш, тезкор ахборот алмашиш, шу билан бирга, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг ёшларга оид лойиҳалари, грант дастурлари

ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин. Ҳозиргача юртимизнинг 40 олий таълим муассасасида «Келажак овози» ахборот хоналари ташкил этилди. Тошкент шаҳрининг олий ўқув даргоҳларида ҳам шундай хоналар фаолияти йўлга қўйилди. Улар энг замонавий техник ускуна ва жиҳозлар, компьютер технологиялари билан таъминлангани, Wi-Fi худудлари

мавжудлиги ёшлар учун қўшимча қулайлик яратди. Тadbирда талабаларга «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг ижтимоий лойиҳалари ҳақида атрофлича маълумотлар берилди. Шундай ахборот хонаси Тошкент Давлат юридик институтида ҳам ташкил этилди. **Назокат УСМОНОВА**

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислоҳотлар дастурини таллаб ўзгартириш киритиш билан бирга, биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шарафатида суғурта фаолияти субъектларига яратилган қароқоллар тўғрисида уларнинг иқтисодиётимизни ривожлантиришдаги роли ва ўрни тобора ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, «...иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси, яъни банк-молия тизими, лизинг, аудиторлик, суғурта, инжиниринг ва бошқа тузилмаларни ривожлантиришдан туриб амалга ошириш мумкин эмас».

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда 2002 йилнинг 5 апрелида қабул қилинган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги, 2008 йилнинг 21 апрелида қабул қилинган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги, 2008 йилнинг 10 сентябрида қабул қилинган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги, 2009 йилнинг 16 апрелида қабул қилинган «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари амал қилаётганини, ўз навбатида мамлакатимиз суғурта бозорини фаолият юритувчи субъектлар учун ҳуқуқий базанинг етарли даражада шакллантирилганлигидан далолат беради.

Айни пайтда, мамлакатимизда соҳага оид бир қатор қонуности ҳужжатлари ҳам қабул қилинган. Улар jumlasiga Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган «2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш Дастури»ни, суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш, суғурталовчиларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг худудий тармоқларини кенгайтириш ва суғурта компанияларининг инвестицион жараёнлардаги иштирокини рағбатлантириш, шунингдек, суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида 2008 йил 21 майдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2008 йил 24 июндаги «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги, 2009 йил 24 июндаги «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорларини киритиш мумкин.

Айнан юқорида санаб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар натижасида юртимизда «Ўзбекиневест», «Кафолат», «Узагроосура» ва бошқа кўплаб суғурта компаниялари фаолият юритиб келмоқда. Шу билан бирга, суғурта бозорини янада ривожлантириб бориш мўҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу боис, суғурта бозорини янада ривожлантириш мақсадида 2012 йилнинг 23-24 март кунлари бўлиб ўтган Ўзе-

бекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 8-ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни маъқуллади. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, 2012 йилнинг 6 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан 2012 йилнинг 23 мартда маъқулланган. Ушбу Қонун 2012 йилнинг

Қонунларимизни ўрганамиз СУГУРТА ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚИЙ БАЗА ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

12 апрелида матбуотда эълон қилинди ва шу кундан кучга кирди. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши натижасида Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар орқали, биринчидан, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари, яъни суғурталовчи, суғурта ҳамда қайта суғурта брокерлари, суғурта агенти, аджастер, актуар ташкилот, суғурта сюрвейери ва ассистанс каби суғурта фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси янада кенгайтирилди. Унга қўра, суғурта ҳамда қайта суғурта брокерларига қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотни махсус ваколатли давлат органининг талабига қўра тақдим этиши; фирма номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва (ёки) жойлашган ери ўзгарган тақдирда, бу ҳақда махсус ваколатли давлат органи ва суғурталовчиларни хабардор қилиш ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий, статистика, солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳисоботларни тузиши шартлиги оид мажбуриятлар юклатилди (Қонуннинг 81-моддаси).

Шунингдек, суғурта бозорининг яна бир профессионал иштирокчиси аджастернинг ҳуқуқлари доираси кенгайтирилиб, бундан бунён аджастер суғурта ҳодисаси рўй беришининг сабаблари ва ҳолатларини, шунингдек суғурта тоғони (суғурта пули) миқдорини белгилаш учун зарур бўлган тегишли ахборот ва ҳужжатларни ҳуқуқий муҳофизат қилувчи органлардан, судлардан, тиббиёт, саноатология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотларидан ҳамда бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш ҳуқуқига эга бўлди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, аджастернинг ҳуқуқлари доираси норма Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунини 91-моддаси биринчи қисми учинчи хатбошига киритилганга қадар, аджастер фақатгина фаолияти суғурта объектларига дахлдор бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан юридик аҳамиятга молик зарур маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш ҳуқуқига эга бўлган.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунини 94-ва 95-моддаларига ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, улардан бири мазкур моддаларнинг номлари билан боғлиқ ўзгартишлардир. Маълумки, мазкур Қонун қабул қилинганига қадар Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунини 94-моддаси номи «Актуарий» деб номланган эди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини аниқлаштириш мақсадида «актуарий» ва «актуар ташкилот» тушунчаларини бир-бирдан ўзаро фарқлаш мақсадида, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган «Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисида»ги Низомда қўлланилган тушунчаларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, мамлакатимизда суғурта фаолияти соҳасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунини 94-моддасининг номи «Актуар ташкилот ва актуарий» тарзда баён этилди.

Учинчидан, махсус ваколатли давлат органи функцияларининг, хусусан суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишини назорат қилиш функциясининг бажарилишини таъминлаш мақсадида «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 11-моддаси «Қайта суғурта брокерлари, аджастерлар, актуар ташкилотлар, суғурта сюрвейерлари, ассистанслар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин бир ҳафталик муддатда бу ҳақда махсус ваколатли давлат органини ёзма равишда хабардор қилади», деган мазмундаги учинчи қисм билан тўздирилди. Эътиборли жиҳати шундаки, бу каби қоидалар Россия Федерацияси, Украина, Литва ва Қозғоғистон Республикасининг суғурта фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларида ҳам учрайди.

Тўртинчидан, чет эл суғурта ташкилотларининг фаолиятини назорат қилиш махсус ваколатли давлат органининг ваколат доирасига кирмаслигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунини 27-моддаси иккинчи қисми «Ўзбекистон Республикаси худудида чет эл суғурта ташкилотлари томонидан суғурта амалга оширилишига йўл қўйилмайди», деган таърифта баён этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунини орқали «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3, 9, 10, 13, 22, 24, 25 ва 26-моддаларига ҳам суғурта бозори профессионал иштирокчилари фаолиятини ҳамда суғурта бозорини янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, мазкур Қонуннинг ижтимоий ҳаётга таъбиқ этилиши суғурта фаолияти соҳасидаги муносабатлар, жумладан суғурта ҳамда суғурта фаолиятини, суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишда махсус ваколатли давлат органининг ваколат доирасини, суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини тузиш ва давлат рўйхатидан ўтказишни, суғурталовчиларнинг ва суғурта брокерларининг фирма номига қўйилмаган талабларини, суғурталовчилар тўлов қобилиятининг қофолатларини, монополиялик фаолиятга йўл қўйилмаслигини, ахборот олиш ҳуқуқини, суғурта сирини ва чет эл суғурта ташкилотларининг фаолиятини янада кенгроқ такомиллаштиришга хизмат қилади. **Зафар РЎЗИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалий қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими**

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохот, аввало, инсон учун, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузуридаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиясининг кенгайтирилган йиғилишида шу ҳақда сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари С.Турсунов, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С.Ортиқова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов ва бошқалар мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари тобора мустақамланиб бораётганини таъкидлади. Фуқароларнинг мўҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал қилишда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг роли ва аҳамияти кучайиб бормоқда.

Омбудсман томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлик яхши самаралар бераётир. Омбудсманнинг халқаро ҳамкорлиги ҳам тобора ривожланмоқда.

2012 йилда Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари, вазирликлар ва давлат органлари томонидан тақдим этилган йиғирмадан ортиқ қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиб, уларнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқлигини аниқлади.

Омбудсманнинг фуқароларни қабул қилиш ва уларнинг муурожаатларини кўриб чиқишга доир фаолиятида инсонларнинг яшаш, меҳнат қилиш, шахсий дахлсизлик каби конституциявий ҳуқуқларини, ўзаро ҳурмат ва муомала маданиятига риоя қилинишини таъминлаш алоҳида ўрин тутди. 2012 йили шу каби масалалар билан боғлиқ муурожаатларнинг аксарияти бўйича фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, экспертлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари ва журналистлар иштирок этган тадбирда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида Омбудсманнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро фаол ҳамкорлигини янада кучайтириш юзасидан кенг фикр алмашилди.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА МУХБИРИ ЛОМБАРД ХОДИМЛАРИ ҲАҚИДА

Жорий йилнинг 21 январдан 1 февралгача Ўзбекистон Республикаси ломбардлар ассоциацияси томонидан «Ломбард кассир-товаршуноси» махсус профессионал ўқув курслари ташкил этилди.

Мазкур ўқиш ломбард раҳбарлари, шунингдек, малакавий хизматни эгаллашга эҳтиёжи бўлган бошқа касб эгалари учун мўлжалланган. Ушбу курс заргарлик буюмлари сифат хусусиятларини ўрганиш, қимматбаҳо металллар қийматини аниқлаш услубларини пухта эгаллаш, ломбардларнинг амалий фаолиятида дастурий маҳсулотларни қўллаш тартиби бўйича маълумотлар беришга қаратилди. Ўқиш дастури Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва нобанк кредит ташкилотларини тартибга солиш ва назорат қилиш департаменти билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда биринчи марта ўтказилган «Ломбард кассир-товаршуноси» махсус профессионал курслари дастурига биноян мавзуга доир маърузалар билан бир қаторда геммологик лабораториялардаги махсус асбоблар ёрдамида амалий машгулотлар ўтказиш бўйича ҳам махорат дарслари ўтказилди.

Дастлабки ўқув машгулотига 28 та мутахассис ўқитилди ва уларга Республика бизнес мактабининг давлат намунасидаги сертификатлари топширилди. Ўқув курси иштирокчиларига махсус тилла буюмлар савдоси ва уларни қайта ишлаш билан шуғулланувчиларга мўлжалланган услубий қўлланма тарқатилди. **«Туркистон-пресс»**

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизимидаги ислохотлар самардорлигини янада оширишда «Таълим тизимида»ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этаётди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳам республикамизда таълим соҳасидаги ислохотларнинг изчил давом этаётганидан далолат.

Мазкур қарор ижроси юзасидан амалга оширилётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида чет тилларни ўрганишни янада ривожлантириш бўйича доимий ишлаб чиқарилган Мувофиқлаштирувчи венгашнинг ишчи органи — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қоидада ташкил этилган гуруҳлар мутахассислари билан «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбири суҳбатда бўлди.

— Университетимизда бир неча йиллардан фаолият йўлга қўйилган. Шулардан бири Хорижий тиллар бўйича узлуқсиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартларини такомиллаштириш бўйича иш олиб боради. Биз ишлаб чиққан хорижий тиллар бўйича таълим стандарти озғани ва ёзма нутқ амалиёти асосида тўзилган. Хусусан, мазкур таълим стандартига нутқни ривожлантиришга мослаштирилган мазмун киритилди, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг ўқув ишлари бўйича проректори вазифининг бажарувчиси Манноб Нишонов. — Бу ерда яна бир эътиборли жиҳат шуки, касб-хўнар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим босқичида чет тилларни касбга йўналтирилган ҳолда ўргатиш масаласи илгари сурилмоқда. Умумтаълим мактабда чет тиллар умумий тарзда ўргатилса,

— Кишлоқ жойларда мутахассислар тақчиллигининг олдини олиш мақсадида Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги билан ҳамкорликда режалар ишлаб чиқилмоқда. Қолаверса, маҳаллий ҳокимият органлари ҳам бу жараёнга бевосита масъул ҳисобланади. Айни мақсад йўлида жорий ўқув йилида филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) ҳамда хорижий тил ва адабиёти таълим йўналишлари битирувчи талабаларини кадрлар тақчил ҳудудларга жалб этиш ишлари бошлаб юборилди. Яна шуниси аҳамиятлики, бу битирувчиларимиз ноанъанавий услубда дарс ўтиш маҳоратиغا эга.

Бундан ташқари, Президентимизнинг қарорига асосан, мамлакатимизда чет тиллар ўқитувчилари малакасини ошириш, республикамизнинг чекка туман ва қишлоқларида бу борадаги эҳтиёжларни таъминлаш жараёни Олий ва ўрта махсус таълими, Халқ таълими вазириликлари, Ўрта махсус, касб-хўнар таълими маркази ҳамда Давлат тест марказлари билан келишилган ҳолда амалга оширилмоқда. Ушбу жараён энг аввало, бизда қанча чет тили ўқитувчилари бор, уларнинг билим савияси қай даражада, қайси ҳудудларда мутахассисларга эҳтиёж сезилмоқда каби бир қатор тахлилий жараёнларни аниқлаб олишни тақозо этади. Тах-

Қарор ва ижро

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ — ЗАМОН ТАЛАБИ

қисдан, қишлоқ ҳужалигига ихтисослашган коллежда бу фанни ўқитишда йўналишга доир мазмунлар ўргатилади. Мақсад эса ҳар бир талаба ўз касбига тегишли хорижий тиллардаги адабиётларни, интернет маълумотларни ўқиш, тушуниш, мулоқот қила олиш кўникми ва малакаларини шакллантириш, хорижий мутахассислар билан музокара юрита олишига қаратилган. Шу ўринда яна бир муҳим жиҳат эса, «Чет тилларни билишнинг умумевропа компетенциясининг ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш (CEFR) тизими»га асосланиб ўқувчи ва талабаларнинг билимини баҳолашда миллий хусусиятлардан келиб чиқиб белгиланган кўзда тутилмоқда. Унга қўра, Халқ таълими тизимида 1-5 синфлар А1, 6-9 синфлар эса А2 даражасини эгаллаши лозим. Ўрта махсус, касб-хўнар таълими тизимида бу даража В1, бакалавр йўналишида эса В2 этиб белгиланган. Чет тилларни билишнинг кейинги даражаси С1 бўлиб, мазкур кўрсаткич олий таълим тизимининг магистратура йўналиши талабалари ва катта илмий изланувчилар учун жорий этилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда 51,7 минг нафардан зиёд чет тили мутахассислари тайёрланган. Уларнинг аксарияти юртимиздаги ўқув муассасаларида фаолият юритмоқда. Шунга қарамай, республикамизнинг узок туман ва қишлоқларида чет тиллар ўқитувчиларига эҳтиёж мавжуд. «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президентимиз Қарорига таъкидланганича, ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хўнар ўқув муассасаларида чет тиллар ўқитувчиларига зарур эҳтиёж бўлган узок туманлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида яшаётган аҳоли ичидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тавсияномалари асосида чет тиллар ўқитувчилари ихтисослигига олий таълим муассасаларида мақсадли қабули амалга оширишга рухсат этилади. Айни босқичда университет қоидада ташкил этилган Ишчи гуруҳлари томонидан қандай режалар қўзда тутилган? Бу ҳақда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи Орткинали Суннатов куйидагиларни гапириб берди:

лиларга асосан, биринчи галда, инглиз тили мутахассисларининг малакасини ошириш ишларини йўлга қўвилади. Кейинги вазифининг немиш, француз ва испан тиллари бўйича ўқитувчилар малакасини оширишдир. Жумладан, ўч босқичли таълим тизимидаги ўқитувчилар малакасини каскад усулида, замонавий методика асосида шакллантирамиз. Шу тариха мазкур жараён август ойигача давом этади. Хусусан, жорий йил февраль ойида Қоракалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган 250 нафардан зиёд чет тили ўқитувчилари ЎзДжТУда малака оширишди. Хорижий ҳамкасблар билан ҳамкорликда тўзилган, ўқувчи ҳамда талабаларнинг билим ва малакаларини умумевропа стандартлари бўйича баҳолаш тизимига яқинлаштирилган ўқув дастури асосида таъбир ортиртган бу мутахассислар кейинги босқичда жойлардаги бошқа ўқитувчилар учун машгулотлар ўтади.



Мазлумки февраль ойи қутлуг саналарга бой. Бу ойда буюк алломаларимиз Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунлари кенг нишонланади.

Тадбирлар БАРЧАГА МАНЗУР БЎЛДИ

Шу муносабат билан шаҳар халқ таълими муассасаларида турли бадиий кечалар, ижодий учрашувлар, тадбирлар уюштирилмоқда. Олмазор туманидаги 46- мактабда бўлиб ўтган адабиёт байрами ҳам улғу мутафаккир Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланди. Тадбирда олимлар, шоирлар, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари иштирок этди. Кечада адабиётшунос олим Зухриддин Ни-

зомиддинов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мирпўлат Мирзо, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Қамбарова сўзга чиқиб, Навоий ҳамда Бобурнинг ибратли ҳаёт йўли, улар қолдирган бой адабий мероси ҳақида ўзларининг қизиқарли фикрларини ёшлар билан ўртоқлашди. — Бу тадбирни ўтказишдан мақсад, — дейди мактаб директори Севара Хаджаева, — ёшларни алломаларимиз хотирасига

ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш, шунингдек, улар ижодига бўлган қизиқишни янада орттириш, миллий қадриятларимизга эътиборни юксалтиришдан иборат. Зеро, буюк бобоқалонларимиз бой ижодий мероси маънавиятимиз хазинасига айланган. Тадбир доирасида ёш санъаткор Дилноза Акбарованинг дилрабо кўшиқлари ва мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган сахна кўринишлари, дилбар куй ва кўшиқлар, рақслар барчага манзур бўлди.

Гулиногор САТТОВА СУРАТДА: тадбирдан лавҳа Ислам Исмоилов олган сурат

Янги лойиҳалар МУХЛИСЛАРНИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН САНЪАТ

Дубляжни сўз сеҳри санъати дея таърифласак ҳато қилмаймиз. Зеро, профессионал маҳорат билан дубляж қилинган киноасар ҳатто асл нусхасидан ҳам ўттиб кетиши мумкин. Ўтган асрнинг 60-70 йилларида ўзбек тилига моҳирлик билан ўтирилиб, бетакрор овоз соҳиблари томонидан жилоланган фильмлар фикримизга далил бўла олади.

Ўзбекистон Давлат кино жағрамаси, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқалар ва дўстлик жамиятлари Кенгаши, Ўзбекистон — Россия дўстлик жамияти бу борада хайрли ташаббусга қўл уриб, ҳамкорликда «Ўзбек дубляжи сеҳри» номи янги лойиҳани ҳаётга татбиқ эта бошлашди. — Фильмларнинг дубляж қилиниши билан улар жаҳон мамлакатларида ўз мухлисларини топади, — дейди Ўзбекистон Давлат кино жағрамаси директори Аҳмадjon Умаров. — Биз нафақат мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, балки энг яхши хорижий фильмларни ҳам эҳтиётлик билан сақлаб, саралаб, келгуси авлодларга етказиш билан шуғулланамиз. Дастлабки тадбирни комедия фильмлари устаси Леонид Гайдай ижодига бағишладик. Зеро, Л. Гайдай фильмларининг ўзбекчага дубляж жаҳон дубляж санъати дурдоналари рўйхатида бежиз қиритилмаган. Ўзбек дубляжи усталари иштирокидаги дастлабки тадбир Рос-

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Саноат корхонаси «Корхона бош энергетигининг биринчи ўринбосари» лавозимига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ: Давъоварга қўйиладиган талаблар: соҳа бўйича олий маълумот, муҳандис-техник ва раҳбарлик лавозимларида ишлаш бўйича — камида 5 йиллик тажрибага эга бўлиши, хавфсизлик бўйича рухсат берилган гуруҳи — бешинчидан наст бўлмаслиги керак. Иш ҳақи — суҳбатлашиш якуни бўйича белгиланади. Лавозим бўйича кўтарилиш истиқболлари мавжуд. Шунингдек, корхонага юқори малакали электриклар ва КИПиА созеловчилари ишга қабул қилинади. Корхона хизмат транспорти, бепул овқат билан таъминланади. Иш ҳақи ўз вақтида тўланади. Чимёнда болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд. Мулоқот учун телефонлар: 241-10-81, 929-55-97. Хизматлар лицензияланган.

ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Фуқаро (ташкilot)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнида, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзга келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «ишонч телефони» тизими жорий этилди. Ишонч телефони рақами: 239-35-21. Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич ҳаёси босқичма-босқич очиб бориш тартибида ўтказилган очик аукцион савдосига таклиф этади! Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан 04.02.2013 й. № 292 — сонли ижро ҳужжатида асосан 1998 й. и/ч. «Дамас», д/р. 10 Н 000936. Бошланғич ҳаёси — 6 726 874 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. «Бекобод савдо» МЧЖ омборида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 14 март кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2013 йил 14 март кун савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 29 март кун бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкilotчиси билан тузилган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич ҳаёсининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИНИНГ АТИБ «Ило-тека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 2020800010488730 5002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказилган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даха, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12. Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Барча турдаги корхона ва ташкilotлар диққатиغا! Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг қурилатган бино ва иншоотлар бирлашган дирекцияси Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг бино ва иншоотларини қайта таъмирлаш объектлари бўйича қуйидаги лотларда танлов савдолари ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. Лот №1 «Семур» болалар соғломлаштириш оромгоҳи биноларини қайта таъмирлаш. Бюджетчи томонидан белгиланган бошланғич нарх 1 294 535 360 сўм ҚҚС билан 1 078 779 470 сўм ҚҚС сиз 210 кун. Қурилиш муддати Лот №2 Шаҳардан ташқаридаги «Кўксарой» мажмуаси периметри бўйича видеокузатув ва қўриқлаш сигналлаштириш тизимини замонавийлаштириш. Пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари қўзда тутилди: иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларида мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қўлувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) дағи тендер таклифлари иштирокчиларининг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўлдан ҳолда ҳисобланади. Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўроовнома билан танлов савдолари ташкilotчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент шаҳар ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. Тел: 244-12-17, 244-07-65. Бир тўлган танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 (бир юз минг) сўм. Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкilotчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкilotчисига тақдим этилишининг охириги муддати-таклифларни (оферталарни) очилиш кун ва соатига. Танлов савдолари эълон матбуотида озқ этилгандан 15 кундан кейин ўтказилади.

Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги 34-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2005 йилда Пирманов Ержан Абдирахимович номига берилган У № 1571792 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси томонидан 2004 йил 12 июлда Салиев Сардор Махмудович номига берилган 17122 рўйхат рақами, В№149639 сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Шарқ» НМАК жамоаси фахрий матбаачи Ислам Шомуродович ШОҒУЛОМОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақинларига чукўр таъзия изхор этади.

Спорт янгиликлари

МУРОСА ЙЎЛИНИ ТАНЛАШДИ

«Пахтакор» марказий стадионига йиғилган минглаб мухлислар Ўзбекистон — Гонконг миллий терма жамоалари ўртасидаги футбол бўйича Осиё чемпионати саралаш турнири гуруҳ беллашувининг биринчи тур баҳсини томоша қилишди.

Ушбу баҳс 26 мартда уюштирилаётган футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш турнири гуруҳ учрашуви олдида ўзига хос тайёргарлик вазифасини ҳам ўтар эди.

Хуллас бош мураббий Миржалол Қосимов БАА яшил майдонларида кўридан ўтган кўпгина футболчиларни майдонга туширди. Учрашув анча қизиқарли курашлар остида кечди. Меҳмонлар ҳам Тошкентга имкон қадар очко олиш учун келганликларини учрашув мобайнида исботлашди. Чунки баҳсда ҳамюртларимиз устунлик қилиб, меҳмонлар дарвозаси томон кўплаб ҳужумлар уюштирган бўлсаларда 90 дақиқа мобайнида дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди.

Тез кунларда Германияда қиличбозлик бўйича халқаро турнир ташкил этилади.

ОМАДЛАРИНИ СИНАБ КЎРИШАДИ

Шу боис ҳам айна кунларда қиличбозлик бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Германияда ўқув-йўғин машғулотида иштирок этишмоқда. Германияда 14 февралдан старта оладиган халқаро турнирнинг шпига йўналишида мамлакатимиз қиличбозлари ўз омадларини синаб кўришади.

ЖИДДИЙ СИНОВ АРАФАСИДА

Март ойида аввал Филиппин, сўнгра Хитойда бокс бўйича халқаро турнирлар уюштирилади.

Курраи заминда ўз нуфузига эга бўлган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари янги бош мураббий Марс Қўчқоров етакчилигида ушбу нуфузли турнирларда фақат совринли ўринлар учун кураш олиб боришлари аниқ.

Тошкентда ушбу турнирларга жиддий тайёргарлик кўрган терма жамоаси аъзолари 13-18 феврал кунлари Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида ташкиллаштирилаётган халқаро мусобақада омадларини синаб кўришади. Шундан сўнг боксчиларимиз Болгарияга жўнаб кетишади. Чунки Болгарияда ҳам халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

МУВАФФАҚИЯТ ТАКРОРЛАНАРМИКАН?

Кейинги йилларда мамлакатимизда миллионлар ўйини бўлиши футбол жадаллик билан ривожланаётганлиги сир эмас.

Буни 2010 йилда Тошкентда ўсмирлар ўртасида ташкиллаштирилган Осиё чемпионатида Алексей Евстафеев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, кейин Мексикада ўтказилган жаҳон чемпионатида кучли саккизлик кирганлиги яққол исботлаб турибди.

Энди иқтидорли мутахассис Алексей Евстафеев 1995 йилда туғилган ўсмирлардан таркиб топган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасида бош мураббий вазифасида фаолият юритмоқда.

Жорий йилнинг октябрь ойида 1995 йилда туғилган ўсмирлар терма жамоалари ўртасида Осиё чемпионати саралаш турнири бўлиб ўтади. Табиийки, бу мусобақада Алексей Евстафеев шогирдлари ҳам иштирок этишади. Айна кунларда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзолари ўқув-йўғин машғулотида иштирок этишмоқда.

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпионатида йўлланмани кўлга киритиб юқорида эслганимиз, Тошкентда уюштирилган кўпга биринчилигидаги муваффақиятни яна такрорлашармикан?

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Ҳар бир халқнинг тарихий-маданий мероси унинг миллий ўзига хослиги ва маданий бойлигини белгилаб берувчи асосий омилдир. Меъморий обидалар, қўлёзмалар, тасвирий ва безакли-амалий санъат асарлари, номоддий мерос намуналари қабиларни ўз ичига олган ушбу тушунчани тарихий ўтмиш, маданий қатламлар, аънавлар ва маънавият деб аташ жоиз.

Ёшлар ижод саройида очилган халқаро кўрғазма ҳам ана шу моддий ва номоддий бойликларимиз бўлган маданий меросимизга бағишланди.

— Кўрғазмани ўтказишдан мақсад, — дейди

санъатшунослик фанлари доктори Камола Акилова, — замонавий шароитларда тарихий-маданий меросни сақлаб қолиш масалаларига турли мамлакатларнинг ижодкор ёшлари эътиборини торттиришди. — Ёшлар ўз мамлаката, ўз халқининг мероси ҳақида нималарни билади? Уларга муносабати қандай ва тарихий-маданий мероснинг ўзини нима? — деган саволларга мукамал жавоб топишдан иборатдир. Шунинг баробарида ёш авлоднинг онгу шуурида миллий урф-одатларимиз, тарихимиз ва бошқа давлатлар маданияти ҳақидаги тушунчаларнинг ҳосил бўлиши ва улар ҳақида муфассал маълумотга эга бўлиш каби вазифалар илгари суртилган. Маълумки, мерос моддий ва номоддий турларга бўлинади. Кенг маънода мерос — бу нафақат маданий қадриятлар, балки инсоний захиралар ҳамдир. Академик Д. Лихачев таъкидлаганидек, табиат, маданият ва маънавият экологияси бир-бири билан узвий боғлиқдир. Кўрғазма ташкилотчилари мавзунини танлашда, ишланши техникасида фотосуратлар ўлчамли, услуб ва интерпретация борасида ёш фотосуратчиларга тўлиқ эркинлик беришган. Бунда замонавий фотосанъатнинг ривожланиб бораётганлиги, унинг образли, таъсирли имкони-

ятлари кенглиги инобатга олинган. Замонавий фотосанъат, бу — санъатнинг тез суръатларда ривожланаётган туридир. Унинг бошқа санъат турларига нисбатан образни очиб бериш имкониятлари кенгдир.

Кўрғазмалар ЁШ РАССОМЛАРНИНГ ИЖОД НАМУНАЛАРИ



Дарҳақиқат, ёш рассомларнинг барча саволларига кўрғазмадан ўрин олган фотосуратлардан жавоб олиш мумкин.

Кўрғазмада Ўзбекистон, Россия, Беларуссия, Озарбойжон, Қозоғистон, Молдова, Польша, Буюк Британия ва япониялик фоторассомлар ўз асарла-

ри билан иштирок этмоқдалар. Кўрғазмага юборилган 270 дан ортиқ асарларда асосан қадимги меъморий обидалар тасвирлари акс эттирилган. Шу билан бир қаторда кўрғазмада миллий ўзлик, табиат манзаралари, турмуш тарзи, миллий урф-одатлар ҳайратомуз равишда акс эттирилган фотосуратлар ҳам бисёр.

Кўрғазма мерос ва замонавийликнинг ўзаро алоқасини яққол кўрсатиб, замонавий дунёқараш, тафаккурга синган миллий мерос тушунчасини очиб беради.


Кейинги йилларда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси фотокўрғазма лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратаётир. Жамғарма ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда юртимизда ва чет мамлакатларда ёш, иқтидорли санъат намояндларининг шахсий ва жамоавий кўрғазмаларини мунтазам ўтказиб келмоқда.

Бинобарин, Фонд Форум томонидан мамлакатимиз тарихи, географияси, миллий аънавалари ва қадимий обидалари, тарихий шаҳарларига бағишланган, суратлар билан безатилган китоб, альбом ва каталоглар чоп этиб келинмоқда.

Шунингдек, икки йилда бир марта Тошкент фотосуратлар уйи билан ҳамкорликда Тошкент халқаро фотобиенналес ўтказилиб, унда ўнлаб давлатлардан юзлаб фоторассомлар иштирок этишади.

Мазкур кўрғазма «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «МЕРОС» Ўзбекистон антикварлари уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Ёшлар ижод саройи ҳамкорлигида ташкиллаштирилди ва 15 февралда давом этади.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТДА: халқаро ёшлар фотокўрғазмасида лавҳа Ислол Исмоилов олган сурат



Сарвар Урмонов (ЎЗА) олган суратлар

БАДИЙ ГИМНАСТИКА — САЛОМАТЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Ислол Каримов раҳнаомлигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор замирида ана шундай эзгу мақсадлар мумкин.

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, чекка ва олис қишлоқларда ҳам замонавий болалар спортини иншоотлари барпо этилмоқда. Халқаро андозалар даражасида жиҳозланган марказ ва секциялар, спорт комплекслари фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишига доимий эътибор қаратилмоқда. Чунки миллат генофондининг саломатлиги, аввало, бўлажак оналар — қизларга боғлиқдир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бугунги кунда бадиий гимнастика қизлар ўртасида энг жадал оммалашаётган спорт турига айланди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маълумотларига кўра, бадиий гимнастика билан шуғулланувчи ўқувчилар сони 2003 йилда 1646 нафарни ташкил этган бўлса, айна пайтда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган қизларнинг 35 минг нафардан ортиги ушбу спорт тури бўйича машғулотларга мунтазам қатнашмоқда.

Бу кўрсаткичларнинг ўсиши юртдошларимизнинг спортга, айниқса, қизлар спортига нисбатан қарашларининг тубдан ўзгаргани, ота-оналар фарзандининг спортга меҳр қўйиши қанчалик улғун мақсадларга пойдевор бўлишини аниқлаб этаётганлиги, болалар спортини мамлакатимизда том маънода умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётганлиги далолат беради.

— Оиламизда спортга муҳим тарбия воситаси сифатида қаралади, — дейди бухгалтер Раъно Ҳаққулова. — Шу боис қизимиз Фарангизни Бухородаги «Нафис» спорт саройининг бадиий гимнастика тўғарагига олиб бордик. Кўплаб иқтидорли спортчилар етиштириб чиққан ушбу масканда қизим бади-

ий гимнастиканинг бошланғич сир-асрорларини пухта ўзлаштирди. Устози Анжела Морозовадан юксак орзуларга етишиш учун кўп меҳнат қилишни, мақсад сари дадил интилишни ўрганди. Муттасил машғулотлар тезда ўз самарасини берди. Истеъдодини намойиш эта олган Фарангиз биринчилардан бўлиб, Тошкент шаҳрида янги очилган Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар республика ихтисослашган олимпия захиралари спорт мактабига ўқишга кирди.

Бадиий гимнастика қизларимизга мос спорт туридир. Унда жисмоний тарбия, мусика ва хореография каби қизлар тарбияси учун муҳим жиҳатлар мумкин. Гимнастика машқлари қизлар организмнинг таянч-ҳаракат тизимини, тананинг ҳамма қисмлари пропорционал ривожланишини таъминлайди. Гимнастика билан шуғулланиш қизларни ҳам жисмонан, ҳам эстетик тарбиялашга, уларнинг мусика ва рақсга қизиқишини оширишга, ҳар томонлама гўзаллиги ва дидини шакллантиришга хизмат қилади. Бадиий гимнастиканинг мусика билан ҳамроҳлиги эса инсоннинг маънавий дунёсини бойтади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, соғлом авлод — соғлом насл деганидир. Бугун спортга меҳр қўйган қизалоқларнинг ҳаммаси ҳам келажакда чемпион бўлмаслиги мумкин. Аммо улар жисмоний машқларда тоблангани учун тани соғлом, руҳи тетик, фикри тиниқ, иродаси мустақкам, келажакда ҳаётнинг турли синов ва қийинчиликларини енгиб ўтишга қодир инсонлар бўлиб етишади.

Энг муҳими, ҳар томонлама баркамол воғга ётган қизлар келажакда оила кўрғонидан соғлом зурриёдни дунёга келтиради ва фарзандига ҳам спортга меҳр туйғусини сингдиради, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА мухбири

Оз-оз ўрганиб домо бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Мардлик тилда эмас, дилда бўлади.

Аслида ақл қуввати ҳам юракдан.

Куни кўчада ўтганнинг ишида барака бўлмайди.

Хаёл бўлиндими, иш унмайди.

Кўнгил тинч ва хотиржам бўлса, одам учун бундан ортиқ бахт йўқ.

Бировнинг дастурхонини бошқалардан қизғанадиганлар бор.

Ўтмиш ҳамиша ширин хотираларга бой бўлади.

Тушқунлик — ночорлик ҳосиласи.

Ҳавас билан ҳасаднинг ораси бир қадам.

Дунёда яхши одамлар ҳам кўп.

Ана шу ишонч билан яшасанг, кўнглинг ҳамиша чароғон, йўлинг эса очик бўлади.

Вақтни ўзингга бўйсундирмоқчимсан — бир дақиқани ҳам беҳуда ўтказма.

Кутилмаган зарбани ҳамиша ўзингникилардан кут.

Бировларга орқа қилиб яшаш ожизлик аломати.

Бировнинг миннатли ёрдамига умид боғлагандан кўра, ўзинг меҳнат қилиб эришганинг афзал эмасми?

Ёмонга тенг бўламан деган ютқицади.

Кечиккан фикр беҳуда.

Дақиқа ҳам умрнинг бир зарраси.

Душманларингни тақдир ҳукмига ҳавола қилу ишдан чалғима.

Ўч олишга кетган вақт — энг бемаъни вақт.

Ўзига ишонгани енгиб бўлмайди.

Ишонч кучингга куч қўшади.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Ўзгидромет Хабар қилади. Тошкент шаҳрида 13 февраль куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 10-12 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 13 февралда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳритида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, тағдир даража совуқ, кундузи — миқдори паст бўлади.